

УДК:619:636.2:617.3

МАХСУЛДОР СИГИРЛАРДА БАРМОҚ ВА ТҮЁҚ КАСАЛЛИКЛАРИНИ ЭТИАЛОГИЯСИ ВА УЧРАШ ДАРАЖАСИ.

Мухторов Б.З. – в.ф.ф.д. (PhD)

Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, човачилик ва биотехнологиялар университети.

Аннотация. Сигирларда бармоқ ва туёқ касалликларини келиб чиқшишига чорвачилик хўжаликлари биноларидағи зоогигиеник талабларнинг бузилиши, мационнинг этишмаслиги, озиқа таркибида макро ва микро элементларнинг этишмаслиги сабаб бўлиб, касаллик асосан йилнинг баҳор ва қиши ойларида кўпроқ учраши қайд этилди.

Калит сўзлар. Туёқ деформацияси, пододерматит, тендинит, тендовагинит, артрит, этиопатогенез, микроэлеменлар, органик моддалар, бармоқ, туёқ, мацион.

Кириш. Кейинги йилларда юртимизга хориж мамлакатларидан кўплаб маҳсулдорлиги юқори бўлган зотли моллар келтирилиб, масъулияти чекланган ва фермер хўжаликларга тарқатилди. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, хориждан келтирилган наслли чорва молларини соғлом сақлаш, улардан сифатли ва экологик тоза маҳсулот олиш учун бизнинг минтақамизга ва зоогигиеник талабларга мос молхона, яйраш майдончалари кириш жойларида дезобарьерлар бўлиши керак.

Хориж адабиётларида таъкидланишича, маҳсулдорлиги юқори бўлган сигирларда кейинги 30 йил ичида оёқларнинг дистал қисми касалликлари асосий муаммоларидан бири бўлиб, оқибатда касалланган сигирларнинг 50 % муддатидан олдин сўйилмоқда ва бу хўжаликлар учун катта иқтисодий зарар келтиrimoқда. Маҳсулдорлиги юқори бўлган ҳайвонларда туёқнинг шикастланиши жами оёқ касалликларининг 50-60 % ни ёки жаррохлик патологиясининг 14-17 % ни ташкил этади. Кейинги йилларда оёқ касалликлари оқибатида муддатидан олдин ҳисобдан чиқариладиган сигирлар 4-15,3 % ни ташкил этмоқда. Россия ва бошқа хориж мамлакатларида йирик шохли ҳайвонларда оёқ касалликларининг анча кўпайганлиги қайд этилмоқда.

Швеция ва Англияда 74 % ва 55 % ҳайвонларнинг оёқ касалликлари оқибатида сўйилиши қайд қилинган. Веремей Э.И., Журба В.А.,(2003) айрим Европа мамлакатларида ҳайвонларнинг ҳисобдан чиқарилишининг асосий сабабларидан бири оёқ касалликлари эканлигини таъкидлайдилар.

Нидерландияда оёқ касалликлари мастит ва бепуштликдан кейин учинчи ўринда туради. Ирландия чорвачилигига илғор технологиянинг киритилиши ҳайвонлар ўртасида оқсаншнинг (54 %) ошишига сабаб бўлди. Швецияда оқсан оқибатида 4 %, Германияда 3 % ва Нидерландияда 2 % дан ортиқ сут берадиган сигирлар ҳисобдан чиқарилмоқда. Кейинги 10-15 йил ичида Жанубий Урал, Россиянинг Челябинск, Курган вилоятлари, Қозогистоннинг Кустанай вилояти) ферма ва комплексларида сигир сонининг камайишига қарамасдан туёқ шикастланиши 20-50 % га ошганлиги қайд қилинди . Соғин сигирларни бўш

қўйиб сақлашда молхоналардаги полларнинг носозлиги оқибатида оёқларда жароҳатланишлар, тендинит ва тендавагинит, пододерматит, флегмона, панариция, туёқлар деформацияси, туёқ бўғинларининг йирингли яллиғланиши (артритлар) ва бошқа турдаги касалликлар келиб чиқади (Г.С.Кузнецов ва бошқалар 1980, А.Ф.Бурденюк 1976, W.W.Empel et. al 1986).

И.С. Панько, В.А. Лукъянов (2003) маълумоти бўйича ҳар учта сигирдан биттаси туёқ деформацияси ёки оқсаш оқибатида хисобдан чиқарилади. Туёқ деформацияси ва унинг касаллиги оқибатида ҳар кунлик сут 3,3-4,5 кг камаяди ва ҳайвонларнинг умумий аҳволи ёмонлашади.

Н.Ш.Давлатов ва бошқаларнинг (1996) маълумотларига кўра, хўжаликларда йирик шохли ҳайвонларнинг 20 фоиздан кўпроғида бўғимларнинг йирингли характердаги патологияси учрайди ва катта иқтисодий зарар келтиради.

А.Я.Батраков (1980) маълумотига кўра оёқ касалликлари сутчилик хўжаликлирида соғин сигирларнинг барча юқумсиз касалликларининг 20 фоизини ташкил этади.

Республикамизга хориждан келтирилиб парваришланаётган наслли қорамоллар ҳамда улардан олинган авлодларда пододерматитлар, шу жумладан, асептик пододерматитлар кўп учрамоқда. Уларни даволаш ҳамда олдини олиш бўйича қатор илмий тадқиқотлар олиб борилаётганлигига қарамасдан, уларга ташхис қўйиш ва даволаш жараёнида гематологик текширишларга эҳтиёж туғилмоқда.

Тадқиқот обьекти ва услублари. Самарқанд вилояти туманларидағи қорамолчилик хўжаликлиридағи қорамоллар орасида бармоқ ва туёқ касалликларининг учраш даражасини ҳамда уларни келтириб чиқарувчи этиологик омилларни ўрганиш мақсадида илмий текширишлар олиб борилди.

Юқорида келтирилган маълумотлардан келиб чиқсан ҳолда, зотли қорамоллар орасида бармоқ ва туёқ касалликларининг Самарқанд вилояти Тайлөқ туманидаги “Сиёб Шавкат Орзу” чорвачилик ф\х да, Ургут тумани “А.Холиқов” чорвачилик ф\хда ва Пастдарғом тумани “Жўра” чорвачилик ф\х да ,Qashqadaryo viloyati Kitob туманидаги “Palandara chorva” f/x да учраш даражаси ва уни келтириб чиқарувчи омиллар ўрганилди.

Натижалар ва уларнинг таҳлили. Лойиҳа мавзуси бўйича бир қанча хўжаликларда фасллар бўйича кузатишлар олиб борилди ва жадвал асосида бармоқ ва туёқ касалликларини учраш даражаси текшириб борилди.

Самарқанд вилояти Тайлөқ туманидаги “Сиёб Шавкат Орзу” чорвачилик фермер хўжалигида 2024 йилда 2000 бош қорамоллар клиник текширилганда уларнинг баҳор ойларида 275 бош (14%), ёз ойларида 97 бош (5%), куз ойларида 177 бош (9%) қиши ойларида 123 бош (6%) бармоқ ва туёқ касаллиги билан касалланганлиги ва бу ўртacha 168 бошни (8,4%) ташкил қилди.

“Жўра” чорвачилик фермер хўжалигида 2024 йилда 394 бош қорамоллар клиник текширилганда уларнинг баҳор ойларида 49 бош (12 %) , ёз ойларида 18 бош (4,5%) , куз ойларида 23 бош (6%) қиши ойларида 33 бош (5%) ва ўртacha 31 бош (7,8%) ҳайвон бармоқ ва туёқ касаллиги билан касалланганлиги маълум бўлди.

Qashqadaryo viloyati Kitob tumani dagi “Palandara chorva” f/x da 2024 yillida 445 boш қорамоллар клиник текширилганда уларнинг баҳор ойларида 129 boш (3%), ёз ойларида 48 boш (11%), куз ойларида 51 boш (11%) қиши ойларида 69 boш (15.5%) бармоқ ва туёқ касаллиги билан касалланганлиги ва бу ўртacha 74 boшни (1,5%) ташкил қилди.

Шунга ўхшаш “Аъзам Холиқов” чорвачилик фермер хўжалигига 2024 yillida 58 boш қорамоллар клиник текширилганда уларнинг баҳор ойларида 19 boш (33%), ёз ойларида 6 boш (10%), куз ойларида 9 boш (15,5%) қиши ойларида 13 boш (22%) ва ўртacha 12 boш (21%) ҳайвон бармоқ ва туёқ касаллиги билан касалланганлиги маълум бўлди(1-жадвал).

Махсулдор сигирларда бармоқ ва туёқ касаллигини фасллар бўйича учраш даражаси.

1-жадвал.

Т р	Хўжалик номи	Жами текширилган ҳайвонлар сони	2024 yillda касалланган ҳайвонлар сони ва фоизи									
			Баҳор		Ёз		Куз		Қиши		Ўртacha	
			Сони	%	Сони	%	Сони	%	Сони	%	Сони	%
1	“Сиёб Шавкат Орзу” ф/х	2000	275	14	97	5	177	9	123	6	168	8,4
2	“Жўра” ф/х	394	49	12	18	4,5	23	6	33	5	31	7,8
3	“PALANDAR A CHORVA” М.Ч.Ж	445	129	3	48	11	51	11	69	15,5	74	17
4	“Аъзам Холиқов ” ф/х	58	19	33	6	10	9	15,5	13	22	12	21
5	Жами	2897	472	62	169	30,5	260	41,5	238	48,5	285	54,2

Хуносалар.

1. Текширишлар натижасида махсулдор сигирларда бармоқ ва туёқ касаллигининг келиб чиқишига, уларни сақлаш жойларида зоогигеник талабларнинг бузулиши, мационнинг камлиги, озиқа таркибида микро-макро элементларнинг етишмаслиги ва гиповитаминозлар сабаб бўлар экан.

2. Текширилган 2897 boш ҳайвондан 1139 boши 39.3% бармоқ ва туёқ касаллиги билан касалланганлиги аниқланди. Касалланган сигирларнинг 238 boши (48.5 %) қиши фаслида, 472 boши (62%) баҳор ойларида, 169 boши (30.5%) ёз фаслида ва 260 boш (41.5 %) сигирлар эса куз фаслида касалланганлиги қайд этилди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР.

1. Бурденюк А.Ф. Болезни конечностей у продуктивных животных. – К.Урожай, 1976. – 132 с

2. Кузнецов Г.С. Хирургические болезни животных в хозяйствах промышленного типа. Л.: Колос, 1980. 250 с

3. Панько И.С. Деформация копытец у высокопродуктивных коров (Текст) /И.С.Панько, В. А. Лукьянинский с соавт. // Ветеринарных консультант, 2003. №2-10

4. Э.И.Веремей, В А.Журба, В.А. Лапина // Ветеринарный консультант, 2003. -№ 16. – С.10-11

5. Батраков А.Я. Лечение и профилактика незаразных болезней на молочных фермах. - Л.Колос. Ленинградское издание, 1980. - 136 с.
6. Давлатов Н.Ш., Ниязов Х.Б. и Ю.Н.Худоклинова. Ёппасига учрайдиган бўғим касалликларида буқачалар қонининг айрим биокимёвий ўзгаришлари Бозор иқтисодиётiga ўтиш даврида қишлоқ хужалик ишлаб чиқаришда самарадорликни ошириш омиллари. - Самарқанд, 1996. - 72 с.
7. Empel W.W., Bezozowski P., Rozniatowski I. Uplyw systemu utrzymania intensywnozei zywienia na crestose wystewania schorzen konczyn u 10 odmian bydla biyzyjskiego – Med.weter 1986 N42, N8 P.458-461
17. Mukhtorov, B. Z., & Dilmurodov, N. B. (2021). Pathomorphological changes in poultry pododermatitis in cows. *Academicia: An International Multidisciplinary Research Journal*, 11(4), 1679-1683.
18. MUKHTAROV, B. Z., & DILMURODOV, N. B. Some Biochemical Indicators of Blood in Prosperous Cows in Pure Pododermatitis. *JournalNX*, 6(06), 58-62.
19. Yakubov, M. A., Dilmurodov, N. B., Muxtorov, B. Z., & Muxtarov, E. A. (2023). Change of biochemical indicators of blood in putural pododermatitis of productive cows. *Scientific Impulse*, 1(9), 555-562.
20. Mukhtorov, B. Z. (2021, July). Treatment of purulent pododermatitis in productive cows. In *E-Conference Globe* (pp. 246-251).
21. Kuliyev, B., Eshmatov, G., Bobonazarov, E., Mukhtarov, B., & Akhmedov, S. (2024). Pathomorphological changes in sheep paramphistomatosis. In *BIO Web of Conferences* (Vol. 95, p. 01042). EDP Sciences.
22. Mukhtorov, B. Z. (2023). Pathomorphological changes in hoofs in pododermatitis puturus in cows. *Ethiopian International Journal of Multidisciplinary Research*, 10(12), 351-357.
23. Dilmurodov, N. B., Muxtorov, B. Z., Muxtarov, E. A., & Yakubov, M. A. (2023). Change of biochemical indicators of blood in putural pododermatitis of productive cows. *Дож 619+ 636 кбж 48+ 45 қ18*, 5(7), 268.
24. Muxtarov, B. (2021). The importance of "Al-Fiqh An-Nofe" in solving modern social problems. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 11(4), 1161-1166.
25. Muxtorov, B. Z., & OO, U. (2023). Xorijdan keltirilgan mahsuldarligi yuqori bo 'lgan sigirlarda yiringli pododermatitning keltirib chiqaruvchi sabablar. *Journal of new century innovations*, 28(5), 30-34.
26. Мухторов, Б. З. (2022). Махсулдорлиги юқори бўлган сигирларда иирингли пододерматит касаллигини айрим хўжаликларда учраш даражаси. *AGROBIOTEXNOLOGIYA VA VETERINARIYA TIBBIYOTI ILMIY JURNALI*, 411-414.
27. Mukhtorov, B. Z. (2024). Pathomorphological Changes in the Hoofs Of Pododermatitis Puritus in Productive Cows. *EUROPEAN JOURNAL OF MODERN MEDICINE AND PRACTICE*, 4(5), 579-584.







